Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 20 ноябрь жума

Сотувда эркин нархда № 229 (2010)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

***"Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умид" жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги ПФ-1694 - сонли Фармони ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун ҳамда мамлакат ташқарисида таълим олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ечиш, давлат, жамоат ва нодавлат тузилмаларида уларнинг салоҳиятидан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасининг, вазирликлар ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат Махсус ишчи гуруҳи тузилсин.

2. Махсус ишчи гуруҳи зиммасига қуйидаги вазифаларни бажариш юклансин:

— Ўзбекистон ёшларининг чет элларда ва аввало, "Умид" жамғармасининг йўлланмаси бўйича таълим олиши умуман қандай ўтаётганлигини назорат қилиш;

— ёш мутахассисларнинг хориждаги ўқиши тугагандан кейин уларнинг билимлари ҳамда салоҳиятидан иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ва бошқарув органларида самарали ва мақсадли фойдаланишни кўзда тутган ҳолда уларни тақсимлашни ташкил этиш;

— ёш мутахассислар хорижда таълим олиб қайтганларидан кейин уларнинг меҳнат фаолиятининг доимий мониторингини, муносиб меҳнат ҳақи ва касб-кор соҳасидаги ўсишини таъминлаш.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 18 ноябрь.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг 1998-2000 йилларга мўлжалланган Дастурига мувофиқ, шунингдек, капитал қурилишда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, қурилиш соҳасидаги бошқарув тузилмаларини монополиядан чиқариш ва ихчамлаштириш, пудрат ишлари бозорини шакллантириш мақсадида:***

1. Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ўтказилишини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, тегишли қурилиш корпорацияси, уюшмаси ва бирлашмаси муассисларининг қуйидагиларни тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

Ўзбекистон саноат ва хўжалик қурилиши — "Ўзсаноатхўжаликқурилиш" давлат корпорацияси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика ишлаб чиқариш давлат-кооператив қурилиш бирлашмаси — "Ўздеҳқончиликқурилиш";

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги кооператив ва акциядорлик қурилиш корхоналари уюшмаси - "Ўзжамоақурилиш".

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ўтказилишини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси икки ҳафта муддатда "Ўзсаноатхўжаликқурилиш" корпорациясини, "Ўздеҳқончиликқурилиш" бирлашмасини ва "Ўзжамоақурилиш" уюшмасини тугатиш бўйича белгиланган тартибда тугатувчи комиссияларни тузсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, тугатилаётган "Ўзсаноатхўжаликқурилиш" корпорацияси, "Ўздеҳқончиликқурилиш" бирлашмаси ва "Ўзжамоақурилиш" уюшмаси таркибига кирувчи пудрат қурилиш трестлари, бошқармалар, бирлашмалар, саноат ва транспорт корхоналари ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар мустақил юридик шахслар сифатида сақлаб қолинади ва улар хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда амалга оширадилар.

3. Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ўтказилишини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси тегишли ҳудудий комиссиялар билан бирга икки ҳафта муддатда ҳудудлар бўйича қурилиш ташкилотлари тизими ва тузилмасини такомиллаштиришга оид таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда ортиқча бўғинлар ва бўлинмаларни тугатишни, ишлаб турган пудрат қурилиш ташкилотларининг ташкилий тузилмасини маъқулланган намунавий бошқарув тузилмасига мувофиқ ҳолга келтиришни, кенг кўламда акциялашни таъминлаган ҳолда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари бундан буён ҳам ўзгартириб борилишини назарда тутсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари:

тегишли лойиҳа ҳужжатлари бўлмаган ва молиялаш манбалари тасдиқланмаган объектлар қурилишига йўл қўймасинлар, қурилиш қиймати ошиб кетишига олиб келадиган унумсиз харажатларни кескин қисқартириш чораларини кўрсинлар;

объектлар қурилишига, шу жумладан, объектларни тўлиқ қуриб топшириш шарти билан буюртмаларни тендер (танлов) асосида жойлаштириш тизими кенг жорий этилишини таъминласинлар;

хусусий қурилиш фирмалари, кичик ва ўрта пудрат қурилиш ташкилотлари барпо этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишига, пудрат ишлари бозори, қурилиш моллари улгуржи бозорларини шакллантиришга бутун чоралар билан кўмак берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон саноат ва хўжалик қурилиши давлат корпорацияси ("Ўзсаноатхўжаликқурилиш")ни ташкил қилиш тўғрисида" 1992 йил 25 декабрдаги ПФ-519-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 18 ноябрь.



## ЖАҲОН АНДОЗАСИДАГИ МАҲСУЛОТ

«Сирдарёпахтасаноатсотиш» бирлашмаси шўъба корхонаси — «Боёвут» акционерлик жамиятида янги пахта ҳосилидан жаҳон андозасидаги тола олинмоқда. Ҳозирга қадар бу ерда 6 минг тонна шундай маҳсулот тайёрланиб Швейцария, Англия, Австрия каби мамлакатларнинг корхоналарига етказиб берилди. Буюртмачилар билан тузилган шартномага мувофиқ, яна 18 минг тонна пахта толаси хорижга жўнатилади.

Акционерлик жамиятида янги технология ўрнатилганлиги иш унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини бермоқда. Бу эса ўз навбатида буюртмачилар сонини кўпайтираяпти. Демак, иш ҳақи ва дивидендлар миқдори ҳам шунга яраша ортади.



**СУРАТЛАРДА: лаборатория мутахассиси Светлана Асмаренко; пахта хирмонлари; чилангарлар бригадаси бошлиғи Жўрабой Шодиев, бош муҳандис Абдуқодир Исломов, толани тойлаш цехи бригадири Ғайрат Усмонов ва чилангар Умидбек Избосаров келгуси режалар хусусида суҳбатлашмоқда.**

**Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

# 1999 ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН КУЗГИ-ҚИШКИ АГРОТЕХНИКА ТАДБИРЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" давлат-кооператив қўмитаси, агросаноат комплексини бошқаришнинг бошқа органлари келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши учун талабчанликни бўшаштириб юбордилар, муҳим агротехника усулларини бажаришнинг меъёр ва қоидалари қўпол равишда бузилишига лоқайдлик билан қарамоқдалар ва бунга тоқат қилиб келмоқдалар.

Натижада кузги шудгорлаш органик ва минерал ўғитлар солинмасдан, сифатсиз ўтказилмоқда. Кўп ҳолларда ерларни текислаш, шўр ювиш, пушта олиш, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ишлари экишолди даврига кўчирилмоқда, бу эса кампаниябозликка, экиш муддатларининг чўзилиб кетишига, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг пасайиб кетишига олиб келмоқда.

Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг, қишлоқ хўжалигини бошқариш органлари раҳбарларининг кузги-қишки тадбирларни ўтказишга жиноятқорона-совуққонлик билан муносабатда бўлиши жорий йилда ҳам давом этмоқда. Натижада кўпчилик хўжаликлар, туманлар ҳанузгача асосий агротехника усули — кузги шудгорлашга киришганлари йўқ.

1999 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, бу ишлардаги мавжуд жиддий камчиликларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисидан, вилоятлар ва туманлар ҳокимларидан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзмевасабзавотузумсаноат—холдинг" холдинг компанияси, "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" давлат-кооператив қўмитаси, агросаноат комплексини бошқаришнинг бошқа органлари раҳбарларидан:

1998 йил 5 декабргача ҳамма жойда кузги шудгорлашни;

1999 йил 1 февралгача экиш техникасининг бутун комплексини тузатишни;

1999 йил 15 февралгача коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини тозалашни;

шўрланган ерларни ювишни 20 февралгача, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида эса 1999 йил 10 мартгача тугаллаш учун кузги-қишки дала ишларини авж олдириш, бу ишларни бажаришга ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси, туман, вилоятнинг мавжуд имкониятлари ва заҳираларини сафарбар қилиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш талаб қилинсин.

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида

***Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда параллелчилик ва такрорлаш фактларини бартараф этиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асоссиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб:***

1. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва барча текширишларни ўтказиш, қоида тариқасида, бирйўла комплекс текширишлар ўтказилишини назарда тутган ҳолда фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг қарорига биноан режа асосидаги тартибда солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилади;

мазкур субъектларнинг фаолиятини қўшимча, шунингдек, муқобил текшириш ва тафтиш қилиш ишларини ўтказиш жиноий ишлар бўйича тергов давомида ёки фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг қарори билангина назорат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Горизонтал текширишлар ва тафтишлар ўтказилишига йўл қўйилмайди, бошқа хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишларни ўтказишга эса фақат уларнинг текшириш объекти билан ўзаро муносабатлари доирасидагина йўл қўйилади;

бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ҳамда тўловларни ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлаб турадиган, бошқа норма ва қоидаларга риоя этадиган, аудиторларнинг ҳар йиллик тегишли хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш қилиш назорат органлари томонидан, қоида тариқасида, ҳар икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан фақат қўзғатилган жиноий иш бўйича тергов тартибида текширилади ва тафтиш қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари зиммасига республика ҳамда маҳаллий бюджетларнинг, шунингдек, қўшма бюджетда ҳисобга олинадиган буюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молияланадиган муассасаларнинг молия-хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда текшириш вазифаси юклансин. Зарур ҳолларда ана шу текширишларни амалга ошириш учун солиқ ва бошқа назорат органлари жалб қилиниши мумкин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

назорат органлари томонидан молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва ҳар қандай текширишни ўтказиш муддати 30 календар кунидан ошиб кетиши мумкин эмас. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг қарорига мувофиқ узайтирилиши мумкин;

аудиторлик текширишларни ўтказиш бўйича сарф-харажатлар ана шу текширишларни тайинлаган ташкилотлар ҳисобидан қопланади.

4. Хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш, жумладан, назорат тариқасидаги текширишлар ва тафтишларни ўтказиш борасида белгиланган тартибга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик солиқ ва молия органларининг, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги органларининг, шунингдек, давлат назоратини амалга оширишга вакил қилинган бошқа органларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг янгиланган таркиби ва у ҳақдаги Низом тасдиқлансин.

6. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши бир ой муддатда вакил қилинган вазирликлар ва идоралар томонидан ҳудудлар бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш борасида 1999 йилги мувофиқлаштирувчи режалар ишлаб чиқилишини таъминласин, бунда комплекс текширишларни кенг жорий этиш асосида уларни ўтказиш даврийлиги ва муддатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқларни ва мажбурий тўловларни тўлашдан ашаддий бўйин товлаш фактларининг ҳар бири бўйича чора кўриш учун йилнинг ҳар чорагида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашига ўз таклифларини тақдим қилсин.

7. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишга вакил қилинган вазирликлар ва идоралар:

икки ҳафта муддатда молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан, назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахсларнинг рўйхатини тасдиқласинлар;

молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан, назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахслар белгиланган тартибда аттестациядан ва қайта аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган қоидани татбиқ этсинлар. Бир ой муддатда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан, назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахслар учун махсус гувоҳномалар жорий қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишга вакил қилинган вазирликлар ва идоралар томонидан текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонунлар, фармонлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари қандай ижро этилаётганлигини назорат қилишни таъминласин, назорат органлари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари хусусида республика мувофиқлаштирувчи Кенгашининг тақдимномаларини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиб, қонунда кўзда тутилган чораларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузишда айбдор бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги белгиланишини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ва ноҳукумат ташкилотлари билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини юқори кўтариш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсинлар, назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини бузиш сабабларини мунтазам таҳлил этиб, уларни тугатиш чораларини кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, "Ўзтелерадио", оммавий ахборот воситалари хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ишларини ўтказиш қоидаларини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенг тушунтириб берсинлар, шунингдек, назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини бузиш фактларини ёритиб борсинлар.

11. 1998 йил 8 июндаги ПФ-2008-сонли Фармоннинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 19 ноябрь.

# ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Греция миллий мудофаа вазири Апостолус Цохатзополус раҳбарлигидаги делегация аъзолари Олий Мажлисга ташриф буюрди.

Парламент раиси Эркин Халилов меҳмонларга мамлакатимизда қонунчилик тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ҳақида сўз борар экан, бунда парламентлар, вазирлик ва маҳкамалараро алоқаларни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Учрашувда Грециянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Димитриос Кипреос ҳозир бўлди.

# ҲАР ИШДА ТАЛАБЧАНЛИК ЗАРУР

Фарғонада вилоят фаолларининг мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларида ўртага қўйган вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Н.Мўминов олиб борган ушбу йиғилишда сўзга чиққанлар кейинги вақтда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига маданий-маиший, медицина, савдо хизмати кўрсатишни яхшилашда муайян ишлар амалга оширилганини таъкидладилар. Шу билан бирга, Президентимиз ҳар иккала сессияда таъкидлаб ўтган хато ва камчиликлар, жумладан, айрим мутасадди раҳбарларнинг ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиши, дабдабабозликка берилиши вилоятда ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Бу иллатларнинг сабаби кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйишда ҳамиша ҳам талабчанликка риоя этилмаётганидадир.

**(ЎзА).**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

# ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШДА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг самарали механизмини яратиш, қимматли қоғозлар бозорида чет эл инвесторларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг:

корхоналарни, шу жумладан, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарини якка тартибдаги лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;

акциядорлик жамиятлари акциялари пакетининг бир қисмини биржа ва биржадан ташқари бозорларда хорижий инвесторларга сотиш;

барқарор харидоргир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга уларнинг тўлиқ мулки қилиб сотиш йўли билан хорижий сармояларни жалб этиш соҳаларини кенгайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

хусусийлаштириладиган корхоналар мол-мулки қиймати эркин алмаштириладиган валютада белгиланади;

хусусийлаштириладиган корхоналар мол-мулки қийматини баҳолаш учун халқаро нуфузга эга бўлган хорижий баҳолаш компаниялари жалб қилиниши мумкин;

хорижий баҳолаш компаниялари, аудиторлар, маслаҳатчилар ва молия агентлари хизматларига ҳақ институционал қайта ўзгартиришларни амалга оширишга Жаҳон банкининг заёми бўйича тушадиган маблағлар ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тўланади;

корхоналар ҳамда акциялар пакетлари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва техника билан қайта жиҳозлаш бизнес-режасини албатта тақдим этиш шарти билан, фақат тендер ва инвестиция савдоларида сотилади.

3. Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдолари ўтказиш Давлат комиссияси таркиби тасдиқлансин.

Давлат комиссияси:

Давлат мулкини сотишда тендер савдолари ўтказиш Давлат комиссияси тўғрисидаги Низомни икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

хорижий баҳолаш компанияларини корхоналар қийматини баҳолашга икки ой муддатда жалб қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда объектлар проспектини, уларнинг хорижий инвесторлар учун қизиқиш туғдирадиган ишлаб чиқариш — иқтисодий ва молиявий тавсифномалари, шунингдек, ушбу объектлар тўғрисидаги асосий маълумотларни кўрсатган ҳолда, нашр қилсин.

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Р. Р. Юнусовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни бошқарувининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Рустам Расулович Юнусов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни бошқарувининг раиси этиб тайинлансин ва шу сабабдан у Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 19 ноябрь.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### А. Н. Исаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Анатолий Нигматович Исаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 19 ноябрь.

# ОЁҒИНГ ЕРДАН УЗИЛМАСИН



Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

1

***Бундан бирмунча муддат аввал мамлакатимиз Президентининг тўй ва маросимлардаги дабдабозлик, исрофгарчиликларнинг олдини олишга қаратилган Фармони эълон қилинди. Сўнг Самарқанд ва Навоий вилоятларида сессиялар бўлиб ўтди. Уларда юртбошимиз раҳбар шахс ва умуман, инсон қандай бўлиши лозимлиги ҳақида куйиб-ёниб гапирди. Бир қарашда, Фармон билан вилоятларда бўлиб ўтган йиғилишлар ўртасида алоқа йўқдек кўриниши мумкин. Бироқ жиддийроқ разм солсангиз, улар орасида жиддий мантиқий боғлиқлик борлигини кўрасиз. Шу боисдан Фармон ҳам, сессияларда мамлакатимиз раҳбари сўзлаган нутқ ҳам эл орасида катта мамнуният ҳиссини уйғотди.***

***Кексаларимиз бировни дуо қилса, топган-тутганинг яхши тўйларингга буюрсин, дейди. Бошинг тўйдан чиқмасин, уйинг тўйхона бўлсин, дейди. Бу бежиз эмас. Халқимиз қадим-қадимлардан топганини эл билан баҳам кўргиси келади.***

***Президентимиз Фармони элимизнинг яхши удуми бўлган мана шу тадбирларга янгича муносабатда бўлиш зарурати пишиб етилганини кўрсатди.***

***Савол туғилади: нима учун бу масалага ҳам мамлакат раҳбарининг шахсан ўзи аралашишига мажбур бўлди? Менимча, бунинг жиддий сабаблари бор.***

## ДАРВИНГА ЭЪТИРОЗ

Ҳой, барака топгур, ким бўлишингдан қатъи назар, оёғинг ердан узилмасин, эл-юртдан ажралиб қолмагин! Бу — юртбошимиз мажлис ва йиғинларда, учрашув ва китобларида қайта-қайта таъкидлайдиган сўзлар. Бу шиор вилоятларда бўлган сессияларда яна такрорланди.

Хўш, оёғи ердан узилганлар ким? Улар ҳақида бир қадар истеҳзо билан бундай дейиш мумкин. Дарвин таълимоти нотўғри: одам маймундан эмас, маймун одамдан тарқаган. Оёғи ердан узилмаганлар одам бўлиб қолган. Оёғи ердан узилганлар эса маймун бўлиб дарахтга чиқиб кетган. Бу жараён ҳамон давом этмоқда.

«Дарахтга чиқиб кетаётганлар» тоифаси эса ҳар хил.

Фармон эълон қилинган куни Ҳамза номидаги театрда Тошкент шаҳар жамоатчилиги билан бўлган учрашувда санъаткорлар, тўғрироғи, «отарчилар» шаънига бир-икки оғиз аччиқ гап айтган эдим. (Начора, ҳақиқат доим ҳам ширин бўлавермайди). Улар мендан ранжибди. Ўзимга айтишмадику, орқаваротдан етиб келган гапларга қараганда, санъаткорларни камситибман: тўй санъаткорларсиз ўтмас экан. Бу гапга қўшиламан: тўй санъаткорсиз (кўп ҳолларда «отарчи»сиз) ўтмайди. Бундан ташқари, улар ўз «таланти» учун, ўз «меҳнати» учун ҳақ оларкан. Бу гапда ҳам жон бор. Бироқ баҳсли ўрни ҳам йўқ эмас. Инсоф билан айтинглар, халқ артисти бўладими, «йўлини топиб» телевизорда бир-икки кўринган «отарчи»ми, тўйда икки соат «хизмат қилгани» учун аниқ «ставка» билан доллар олиши, бу ҳам етмагандек, бошидан даста-даста «кўки»дан сочишлар, бир соат тер тўкиб қилпанглаган хонимча оёғи остига тўкилган юз сўмликлар «талант»га яраша ҳақми? «Меҳнатга» яраша мукофотми? Айтинг: тўйма-тўй юриб, юз минглаб, эҳтимолки, миллионлаб пул топиб, қўша-қўша дачалар қурган «эл севган» санъаткорлардан нечтаси оддий деҳқон ёки ўқитувчининг тўйига бориб, ҳақ олмасдан хизмат қилган? Тўғри, одам меҳнати учун ҳақ олиши керак, аммо санъаткорлар камроқ эмас, кўпроқ ҳақ берадиган, кўпроқ «қистирадиган», кўпроқ бошидан сочадиганлар тадбирини афзал кўриши ёлғонми? Шубҳасиз, санъаткорлар орасида пулдан кўра иймонни, бойликдан кўра виждонни устун қўядиганлар йўқ эмас. Ўзим гувоҳ бўлган бир мисолни айтишим мумкин. Ўзбекистон халқ ҳофизи Муҳаммаджон Каримов улуғ санъаткор эди! Қисматни қарангки, бу бетакрор ижодкорнинг сўнгги қўшиғига мен гувоҳ бўлдим. Шу йил ёзда «Хумсон» санаторийсида Мамат ака (халқ уни шундай деб атар эди) дам олувчилар учун концерт берди. Текинга! Фузулий ғазалини айта туриб ҳушидан кетиб қолди. Бир ҳафтадан сўнг вафот этди. Шунда Мамат ака ҳақида ўнлаб одамлар юзлаб воқеаларни айтиб беришди. Бу инсон ҳеч қачон, ҳеч қайси тантанага «закалат» олиб борган эмас. Берсалар олган. Бермасалар дуо қилган. Унинг қўлида «темир дафтар» бўлган. Бир ой олдин маҳалланинг қоровули тўйга айтиб қўйган бўлса-ю, уч кун қолганида министр таклиф қилиб келса, «узр, укажон, мен лафз бериб қўйганман» деб рад этган. Қоровулнинг тўйига борган!

Санъаткор биродарларим айтишсин: ораларида шундайлар кўпми?

Ҳақиқий санъат, жумладан, тўйларда ижро этиладиган қўшиқ ва рақслар ҳам эзгуликка, маънавиятга хизмат қилмоғи керак. Бундан 50 йиллар аввал фалон жойдаги тўйга Жўрахон Султонов келаркан, Маъмуржон Узоқов келаркан, деса ўнта қишлоқ ёпирилиб борган. Азбаройи «тўйда тўйиш» учун эмас, қўшиқ эшитиб, завқланиш учун, маънавий озуқа олиш учун. Ҳозир ҳам бундай санъаткорлар йўқ эмас. Бироқ қўлидан микрофонни олиб қўйсанг, овози беш қадам нарига бормайдиган «яллачи»нинг «Лаъли

2

лабларингдан ўпай, жонимни жонингга қоқай!» қабилидаги бехаё лапарлари бадмаст оломонни жунбушга келтириб, «пул сузиш»дан бошқа нимага хизмат қилади, барака топгур? Тўй кечаси якунланиш пайтида «рақс навбатини» келин-куёвнинг ота-онасига, хола-холаваччасига бериб, мункиллаган қудабувиларни ўртага тортиб, ўйнашга мажбур қиладиган, тушган пулни шилиб оладиган «отарчи»ларни ким деб аташ керак? Мард бўлсанг, тушган пулларни келин-куёв олдига келтириб ташла! Бир корингга ярат, де!

Такрор айтаман, санъаткор дўстларимизни қаторасига оёғи ердан узилганлар сафига қўшиш ниятида эмасман. Лекин улар орасида оёғи ердан узилаётганлар хизматига камарбаста бўлаётганлар йўқ эмас!

... Инсоф билан айтганда, ўн йил меҳнат қилиб топганини бир кечада елга совурадиган «Тўйчибой»ларни ҳам оёғи ердан узилганлар қаторига қўшиш тўғри бўлмайди. Улар оддий одамлар. Жуда ошиб-тошиб кетган ҳам эмас. Аммо нима қилаётганини кўпинча ўзи билмайди.

... Шундай қилиб десангиз, Тўйчибой деган танишим тўй қиладиган бўлди — суннат тўй. Ўзи ҳалол одам. Қўли гул сувоқчи...

«Сабзи тўғрар»га келган маҳалла оқсоқоллари «юз кило гуруч дамлаш шартми, ўзингизни қийнамай қўя қолинг», деган эди, астойдил хафа бўлди:

— Нима, мен одаммасманми? Ўзимга яраша орзу-ҳавасим бор... Мен ҳам юртнинг ошини еганман...

... Шундай бўлди... Юз кило эмас, юз йигирма кило дамлади... Тонг отмасдан ҳофизлар хониш қилди... Гурас-гурас одамлар келди... Тўйчибой «юз йигирма кило ошнинг тагида бир капгир қолмаганини» гапириб юрди...

... Икки ҳафталардан кейин хабар олгани кирсам, жанжал устидан чиқиб қолдим. Ўзи бақирган, хотини додлаган...

Тўйчибой ток сўри тагида турибди. Кўзлари бежо. Нуқул бир гапни такрорлайди: «Ўзимни ўлдирсам қутиламанми? Ўлиб кетсам қутиламанми, санлардан?!»

Янга нарироқда шумшайиб турибди.

— Тўй қиламан деб юз эллик минг қарзга ботдим!.. — деди Тўйчибой чинқириб. — Ўзимни ўлдириб қўя қолай!..

Янга менга қараб, бир қадар таскин топди шекилли, эрини юпатди:

— Қўйинг, дадаси, ўзингизни босинг... — Кейин айвон томонга қараб мушт дўлайтирди. — Сен, қиз ўлгурга қачон ақл киради-а?! Ман буни нонга чиқарсам, китоб обкебди!.. Хаҳ, ўша сенга китоб ўқишни буюрган ўқитувчингни уйига ўт кетсин! Китоб сенга ош билан нон бўлармиди, ер ютгур!

Тўйчибойнинг еттинчими-саккизинчими синфда ўқийдиган қизига энди кўзим тушди.

Қизалоқ айвон устунига суяниб турар, кафти билан юзини тўсганича, унсиз, ўкиниб-ўкиниб йиғлар эди...

Индамай, чиқиб кетдим.

... Ростини айтсам, умримда биринчи марта... ўзбек бўлганимга уялдим...

Биламан, булар анчайин оғир гап. Аммо нима қилайлик, куюнганингдан кейин гапирасанда, киши! Аслида-ку, тўй ҳам маънавиятнинг бир кўриниши. Шунақа-ку, 150 минг қарзга ботиб тўй қилган одам, боласи ўттиз сўмга китоб олгани учун аюҳаннос солса, бу қайси маънавиятга киради?

Бундай «Тўйчибой»ларга кўрпага қараб оёқ чўза қолинг, десангиз, жавоби аниқ. «Энди юртчилик-да, оғайни, уёқда қудалар турибди».

Қудачилик, табиийки, совчиликдан бошланади. Тўй куни келишиб олинади. Тўй эса «ЗАГС» деган тантана (эҳтимолки, дардисар)дан бошланади. Никоҳ кечаси ресторанда юз минглаб, балки миллион сарфлаб қилинадиган банкет, индинга «келинсалом»га артисткани долларга ёллаб таклиф қилиш (Тошкентда бунақа ҳунар ҳам чиққан), чарларга қирқта тоғора жўнатиш, қуда чақириш деган тағин бир тўй... Булар ҳали олдинда. Аввал ЗАГСдан омон-эсон ўтиб олайлик...

Бундан бир ойча аввал бир ҳужжатдан кўчирма олиш учун Тошкентдаги туман ЗАГСларидан бирига бордим. Қарасам, ЗАГСхона ҳувиллаб ётибди. Фақат иккита одам йиғлаб ўтирибди. Мудира аёлдан никоҳни қайд этувчилар нега йўқ, деб сўрадим. У маъюс кулимсиради, «Никоҳдан ўтадиганлар дабдабали ЗАГСхоналарга боради. Бизга кўпинча ўлим ҳақидаги далолатнома учун келишади...»

Бошқа вилоятларни билмадим-ку, Тошкентда нуқул «катта» ЗАГСхоналарга югуришади. Куёв тўра йигирма нафар жўраси билан. Келин пошша ўттиз нафар янгаси билан. Оддий машина керакмас, албатта, «Линкольн» бўлиши шарт! «Линкольн» ҳайдовчиларнинг бозорини касод қилмоқчи эмасман. Улар ҳам хизмати учун ҳақ олади. Аммо, адашмасам, Америкада бундай машиналар, аксарият таъзия маросимларида ишлатилади, шекилли...

Республика Олий Мажлиси биноси айнан марказий ЗАГСхона ва марказий ресторан билан ёнма-ён. Баъзан хизмат машиналари ўтолмай қолади. ЗАГСга келган бир гуруҳда йигирмата машина: «Линкольн», «БМВ», «Мерседес». Ҳаммаси оқ рангда. Бошқа гуруҳда ҳам йигирмата машина, ажнабий маркалар, фақат ранги қора! Начора, бир-биридан қолса, қулоғини кесади-да! Куёв томон ҳасратини эшитиб, келин томондан сўрасангиз, яна ўша жавоб: «Қудалар ранжимасин, дедик. 200 мингга финский мебель олдик, элдан чиқиб бўлмайди-ку!»

Шу тариқа, у томон ҳам, бу томон ҳам қарзга ботади. Ўзига келгунича невара туғилади. Суннат тўй қилиш керак. Кетидан иккинчи боласи вояга етади. Тағин тўй қилиш керак. Шу тариқа, бора-бора у қуда ҳам, бу қуда ҳам дардга чалинади. Узр-ку, минг-минглаб пул сарфлаб тўй қилган шўрлик бандаликни бажо келтирганида гоҳо кафанлиги йўқлиги аён бўлиб қолади.

Биз киммиз ўзи? Шундай бағри кенг, шундай меҳнаткаш, шундай ҳалол халқ — қаёққа кетаяпмиз?

... Бундан ўн йилча аввал Туркияга бордик. 30-йилларда ўша ерларга бобоси билан бориб қолган ҳамюртимиз уйига таклиф қилди. Кўриниб турибди, турмуши тўкин, бадавлат. Тошкент таомини соғинган бўлсангизлар керак, деб чинни идишда мошхўрда олиб келди. Чуқурроқ ликопчага бир чўмичдан солиб берди. Мамнун бўлдик. Сўнг лаганда ош келтирди. Аммо уни ўртага қўймади, капкирда ҳар биримизнинг ликопчамизга солиб берди. «Хўш, меҳмонлар, қорин тўйдими?» деб сўради мезбон. Миннатдорчилик билдирдик. Мезбон дастурхондаги ҳамма нарсани йиғиштириб олди. Фақат чой билан қаҳва қолди... Шунинг устига ота юртдан келган меҳмонларни зиёрат қилиш учун яна йигирма нафар ҳамюртлари келиб қолишди. Икки соатли суҳбат фақат чой ва қаҳва устида бўлди.

Бизни кузатаётган пайтда мезбон сўради: «Менинг меҳмон кутишимга ҳайрон бўлдинглар-а?» Одоб юзасидан инкор қилган эдик, мезбон кулди. «Билиб турибман, ҳайрон бўлдинглар. Сизларда удум бошқача, Тўртта меҳмон келса, бир ойлик маошингизни сарфлайсиз: ичкилик-пичкилик... Тўйда Худонинг қаҳри келадиган даражада исрофгарчилик қиласиз. Бу ҳолда ҳеч қачон бой бўлмайсизлар».

Бу — ҳақиқат эди.

Чамамда, энди том маънода оёғи ердан узилганлар ҳақида гапирсак ҳам бўлади. Менимча, уларнинг икки тоифаси бор ва улар ҳақида алоҳида тўхталишга тўғри келади.

## БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ — МАЪНАВИЙ ҚАШШОҚЛАНИШ ДЕГАНИ ЭМАС

«Бозор муносабатлари етим-есирларнинг, камбағал-ночор одамларнинг кўз ёши эвазига қуриладиган бўлса, бунақа бозорнинг уйи куйсин!»

«Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади».

«Давлат жамиятнинг кескин табақаланишига — ошиб-тошиб кетган бойлар-у, камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак».

«Ҳар қайси инсон қаерда бўлмасин ва қайси вазифани бажармасин, у вилоят раҳбарими, туман ҳокимими, хўжалик ёки корхона раҳбарими, оддий касб эгаси ёки оддий деҳқонми — мартабаси ёки касбидан қатъий назар, ўзини ҳаром-хариш ишлардан тийсин ва ўз жойида ўз вазифасини ҳалол бажарсин».

Бу фикрларнинг ҳаммаси юртбошимизнинг гаплари **(«Инсон бахт учун туғилади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ҳикматли сўзларидан». «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Тошкент. 1998 йил).**

Теран инсоний дард ва жонкуярлик билан айтилган бу фикрларга қўшимча қилиш шарт эмас.

Шундай қилиб, ҳаётимизга бозор иқтисодиёти деган тушунча кириб келди ва уни инкор қилиш — калтабинлик бўлади.

Биринчидан, юксак ривож топган барча мамлакатлар шу босқичдан ўтган. Биз ҳам ўтишга мажбурмиз. Иккинчидан, фуқароси бой юрт — бой давлат. Фуқароси қашшоқ юрт — қашшоқ давлат!

Халқимиз топиб айтган: беш қўл баробар эмас. Бу — фақат салбий маънодаги тушунчамас. Начора, Худо бировга ақл-заковатни, истеъдодни, қобилиятни, борингки, пешанасига ёзилган туз-насибани кўпроқ беради. Бировга камроқ. Биров Худо берган ақл-заковату қобилиятни кўпроқ ишга солади, биров — танбаллик қилади. Социалистик тузум беш қўлни баробар қилиш шиори билан яшади. Бироқ жимжилоқни ҳарчанд чўзган билан ўрта бармоққа тенг қилишнинг иложи йўқ... Шу тариқа, кўплар камбағаллигича қолди. Бир туркум «алоҳида» номенклатура эса бойиб бораверди. Бу — яширин табақаланиш эди.

Бозор иқтисодиёти маълум маънода табақаланишга олиб келиши табиий. Кимдир жаҳоншумул ихтиро қилиб, ўзбекнинг номини дунёга олиб чиқса, эвазига ўзи ҳам бойиб, гўзал имОрат солса, бунга ҳасад эмас, ҳавас қилиш керак. Яна биров чет эл билан қўшма корхона очса, янги технология олиб кирса, одамларни иш билан таъминласа, эвазига ўзи ҳам бойиб, дача қурса, бунгаям ҳасад эмас, ҳавас қилиш керак. Тағин бирови нест-нобуд бўлиб кетаётган меваларни қайта ишлайдиган завод қурса ёки миллий ҳунармандчиликни тиклаб, катта цех очса, топган пулига кулинг ўргулсин офислар қуриб қўйса, қувониш керак! Ҳақиқий ишбилармон деб шуларни айтса бўлади. Улар меҳнат билан топади. Топганини бебилиска исроф қилмайди. Қолаверса, кунора «босадиган» налугчилар-у, минг хил ўлпончилардан безор бўлади. Аммо «бозор муносабатлари»ни рўкач қилиб, ўзи ҳеч нима яратмасдан, минг хил қинғир йўллар билан пул топадиган «учарлар»ни тадбиркор билан аралаштириб юбориш тўғри бўлармикин? Бир юмалаб «бойвачча»га айланиб қолганлар қай йўл билан пул топиш ўзимнинг ишим, қандай сарфлаш ўзимнинг ишим, хоҳласам қаср соламан, хоҳласам, минг кишилик тўй қиламан, деса, унинг қаллоблигини кўриб турган одамлар нима деб ўйлайди? Кеча алифни калтак деёлмай, ўқитувчисидан дашном эшитиб юра-юра охири «худосизлар жамияти»дан қўним топган нотавон бола бугун тўсатдан «миллионер»га айлансаю, минг кишини тўплаб амри-маъруф қилса, издиҳомда эса кеча унга дашном берган кекса муаллим чой ташиб юрса, қайси мантиққа сиғади? Азбаройи ақли кўплигидан эмас, «учарлиги» туфайли босар-тусарини билмай қолган бойваччалар борми? Менимча, бор. Шу йил ёзда бир воқеага гувоҳ бўлган эдим. Оддий бир одам шаҳардаги кўпқаватли бино ертўласини ижарага олиб ёки «Кимошди» савдосида сотиб олиб, кичик бир дўконча очмоқчи бўлган. Бу — ҳар бир тадбиркорнинг ҳуқуқи. Бироқ ўша уйда яшайдиган «бизнесмен» пишқириб чиққан. У

3

шу уйдаги тўртта хонадонни (квартирани) 60 минг долларга сотиб олгани, яна аллақанча пул сарфлаб «евроремонт» қилгани, ертўла ҳам уникилиги, хоҳласа бутун «дом»ни сотиб олишга қодирлигини «тантана билан» эълон қилган. Савол туғилади: ким ўзи бу «миллионер»? Нима, завод очганми, фабрикаси борми? Шунча пулни қаердан олган? Пулни ҳалол топган бўлса, солиқ декларацияси қани? Давлатга қанча солиқ тўлади?

Бу саволни ўртага қўйсангиз, дағдаға қилишади. Жуда бўлмаса, қулоғингизга шипшийдилар. «Ҳай-ҳай-ҳай, бу одам билан олишма! Тоғаси «орган»да ишлайди, амакиси налоговойнинг каттаси, қудасини биласанми, қудасини?! Фалончи акани эшитганмисан? Бўпти-да!»

Озми-кўпми фаросати бор одам ўйлаб қолади. Бундан чиқди, қинғир йўл билан пул топадиган «бойвачча»нинг «катталар» билан тили бир эканда? Бу боланинг «қутуриши» тоғасидан, амакисидан, қудасидан юққан экан-да!

Каттами-кичикми, бирон раҳбарлик лавозимида ишлаш оғир юк. Давлат уни мансаб курсисига тайинлаганми, халқ сайлаганми, аввало, халқ ва давлат манфаатини ўйлашга, инсофли бўлишга ундайди.

«Бир куни Абдураҳмон ибн Авф, мўминлар халифаси ҳазрат Умаршайх зиёратига келди. Салом бериб кутиб турди. Халифа ҳазрат Умар ёниб турган шамни ўчириб, бошқасини ёқди.

Бу аҳвол меҳмон диққатини тортди. У ҳазрат Умарга:

— Эй, амирал-мўминин! Олдингизда шам ёниб турарди. Уни ўчириб, бошқа шамни ёқдингиз. Бунинг бир ҳикмати бордир? — деди.

Амирал-мўминин ҳазрат Умар табассум билан:

— Ё, Абдураҳмон! Ўчирганим давлатнинг шамидир. Ёққаним эса ўзимнинг шахсий шамим. Ўз пулимга олганман. Давлат ишларини қилганда давлатнинг шамини ёқаман. Ҳозир сен билан суҳбат қуриб ўтирганимда давлат шамини ёқиш ҳалоллик бўлмайди, шунинг учун ўз шамимни ёқдим, — деди... **(Юсуф Товаслий. «Ҳикматлар хазинаси». Таржимон Урфон Отажон. «Наврўз» нашриёти. Тошкент. 1994 йил).**

Шубҳасиз, эл-юрт ва давлат манфаатини ўйлайдиган фидойи раҳбарлар оз эмас. Бироқ ўз манфаати йўлида давлат шамини ёқишдан тийиниш у ёқда турсин, давлат хазинасига ўт қўйишдан тортинмайдиганлар ҳам учраб туради. Бу тоифа олдингиси билан чамбарчас боғлиқ.

Бири минг бир «усул» билан пул топиб, каттагина улушини мансабдор «тоғаси»га узатади. «Тоғаси» уни паноҳига олади. Уларнинг тилида бунинг оти «криша» дейилади. Мансабдор «тадбиркор» «жиян»ларининг қинғир фаолиятига раҳнамолик қилади ва улардан олинган «қуруғи»га ақл бовар қилмас тантаналар ўтказади, қўша-қўша қасрлар қуради, таъзияни байрам даражасигача олиб чиқади! Бу тоифа аввалгисидан ҳам хавфли. «Учарлар» одамларни алдаса, буниси давлатни ҳам алдайди. Давлатнинг хазинасини қуритади. «Учарлар» одамларни писанд қилмаса, булар давлатни ҳам, Қонунни ҳам писанд қилмайди!

Юртбошимизнинг вилоятлардаги сессияларда ички дард билан келтирган мисолларини эшитган одамнинг иймони бир газ сапчийди. Наҳотки, баъзи раҳбарлар шу даражага бориб етса! Қудаларию қудағайлари, укаларию болаларини «ёғли» жойларга тиқиштириб (ва шу йўл билан ҳақиқий тадбиркорлар йўлини тўсиб) «қуруғини» оладиган, қўша-қўша иморатлар соладиган, базми-жамшидлар қиладиган бундай саховатпешалар икки ҳовли наридаги сўққабош кампирнинг томидан чакка ўтиб ётганида ўн дона шифер олиб берармикин? Маҳалладаги болалар поликлиникасини иситиш учун эллик метр темир қувур совға қилармикин? Билмадим...

Мана энди суҳбатимизнинг бошидаги саволга етиб келдик. Бир қарашда, халқнинг миллий удуми ҳисобланган тўй ва маъракалар масаласига шахсан Президент аралашиши шартмиди?! Менимча, бу ишга раҳбаримизнинг ўзи бош қўшгани ғоят доно иш бўлди! Беозор «тўйчибойлар»ку майли, кейинги икки тоифага Худо бас келмаса, бандаси бас келолмай қолган эди. Куйиб-ёниб газетага мақола ёзасизми, телевизорга эл ҳурматини қозонган алломаларни олиб чиқиб суҳбат қиласизми, маҳалла йиғини махсус қарор қабул қиладими, борингки, кўчага чиқиб дод соласизми, булар бирор жойини қашлаб ҳам қўймасди.

Энг хавфлиси — оддий одамлар орасида давлат сиёсатига, раҳбарлар фаолиятига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлиши, бир томондан, пулинг кўп бўлса, ошиғинг олчи, қай йўл билан топиш ўзингга ҳавола, деган тушунча, иккинчи томондан, раҳбарларнинг гапи билан иши бир-бирига тўғри келмайди, деган хаёл илдиз отиши мумкин эди. Бунинси, энди фақат маънавий эмас, ижтимоий ҳодиса эди! Жиддий ижтимоий ҳодиса!

## «ТИЛИМИЗНИНГ УЧИДА, ДИЛИМИЗНИНГ ТУБИДА ТУРГАН ГАП»

Президент Фармони ҳам, сессиялардаги нутқлари ҳам минглаб одамларнинг дилида йиғилиб ётган дардни ифодалайди. Турли касбдаги, турли ёшдаги ҳамюртларимиздан сўраб кўринг. Ҳаммаси бир оғиздан раҳбаримиз дилимиздагини топди, бу гапларни биз ҳам ўйлаб, эзилиб юрардик, дейди...

Ёдингизда бўлса, яқинда юртимиз икки буюк аллома — Имом ал-Бухорий ва ал-Фарғонийлар таваллудини нишонлади. Қувада ғоят ҳаяжонли воқеанинг гувоҳи бўлдим. Фарғоний ҳайкали очилиши тантаналарига борган юртбошимизни яқин ўн минг киши ўраб олди. Аввал ҳам бундай ҳоллар кўп бўлган. Бироқ бу сафар, айниқса, ўзгача бўлди. Чоллару кампирлар, ёшлару митти болачалар йўлбошчимизни қўйиб юборгиси келмайди... Халқ шунчалик ихлос қўйган раҳбаримиз борлигидан, ўз раҳбарини шу қадар самимий севадиган халқимиз борлигидан фахрланиб кетдим!..

Йиғинга Андижондан келган қариялар билан суҳбатлашиб қолдим. Улар айтишди: «Юртбошимиздан минг карра миннатдормиз. Тўғри, турмушимизда етишмовчиликлар бор, тақчиллик бор. Аммо Худога шукур, юртимиз тинч, одамлар ўртасида оқибат кўтарилгани йўқ. Бугун бўлмаса, эртага ҳаммаси яхши бўлишига ишонамиз. Ислом ака ҳар гапида адолатли бўлайлик, иноқ бўлайлик, дейди, элим деб, юртим деб куйиб-ёниб яшаш керак, дейди. Бунга ўзи намуна бўлаяпти! Шунақаку, бу ёқда босар-тусарини билмай қолган бойваччалар бизни одам ўрнида кўрмай қўйди-ку! Бир хил мансабдорнинг олдига дардингни айтиб борсанг, қаматиб юборишдан тоймайди. Одам қорнига эмас, қадрига йиғларкан, бу ёғи қандоқ бўлди?»

Орадан ҳеч фурсат ўтмай Фармон чиқди. Кетидан вилоятларда мажлислар бўлди. Шунинг ўзи ўша қарияларнинг саволига энг мантиқли жавоб бўлди! Оёғи ердан узилганлар қаёққа бориши аён бўлиб қолди...

... Шунча гапдан кейин ҳам оёғи ердан узилишини ихтиёр қилганлар бўлса... Начора, кимдир дарахтга чиқиб кетишни хоҳласа, ўзининг иши. Аммо у дарахт шохига миниб олиб, ерда юрганларни — оддий меҳнаткашни масхара қилса, бу ҳам етмагандек, зуғум қилса, бу ҳолда...

Майли, у ёғини айтмай қўя қолай...

4

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0500, 27353 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ф. УСМОНОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.50*
1 2 3 4 5 6